

## ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 1

Қарши шаҳри

11 октябрь 2022 йил

**Dizayn kamford mchj** кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари **С.Раҳматуллаев** номидан, бир томондан ва Қарши муҳандислик иктисодиёт институти кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Қонунлар асосида иш юритувчи ректор **О.Ш.Базаров** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товарни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товарни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	<b>Юмшоқ чойшаблар</b> ( 1. Ёстиқ жилти кенглиги 0,6 м, баландлиги 0,6 м Аралаштирилган газлама (пахта 60% полиестер 40%) 2. Кўрпача жилти кенглиги 1,55 м, баландлиги 2,1 м. Аралаштирилган мато (пахта 60% полиестер 40%) 3. Матрас жилти кенглиги 1,4 м ва 2,25 м Аралаштирилган мато (пахта 60% полиестер 40%)	Комплект	464	180500	83 752 000
2	<b>Курпа</b> (ени - 1,5 м, баландлиги - 2 м, ичидаги пахта миқдори 3,5 кг Аралаштирилган мато (пахта 60% полестер 40%)	Дона	314	171000	53 694 000
3	<b>Покривал</b> ( Мукамал иссиқлик ўтказувчанлигига эга, иссиқликни сақлайди ва ундан ўтади; Жуда кучли ва бардошли. Юқори сифатли ускунада ишлаб чиқарилган юқори сифатли матодан тайёрланган. 1,9x1,40 ўлчами)	Дона	622	114000	70 908 000
4	<b>Ёстиқ</b> (ени - 0,60 м баландлик - 0,60 м, ичидаги пахта миқдори 1,5 кг Аралаштирилган мато (пахта 60% полестер 40%)	Дона	314	47500	14 915 000
5	<b>Матрас</b> ( ени - 0,9 м, баландлиги - 2 м, ичидаги пахта миқдори 4 кг Аралаштирилган мато (пахта 60% полиестер 40%)	дона	314	152000	47 728 000
	<b>Жами</b>				<b>270 997 000</b>

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: 270 997 000 (Икки юз етмиш миллион тўққиз юз тўқсон етти минг ) сўм.

### 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 270 997 000 сўмни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинadиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 81 299 100 сўм, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг октябр ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 189 697 900 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонида асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (базарилadиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни базариши ва хизматлар кўрсатилиши тақиқланган. "Сотувчи" мазкур фармонга амал қилиши шарт.
- 2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.
- 2.5. Маҳсулотни етказиб бериш муддати " 31 " октябр 2022 йилгача.

### 3. ТОВАР (МАҲСУЛОТ)НИНГ СИФАТИ

- 3.1. Сифат товар (маҳсулот)ларнинг ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
- 3.2. Сотувчи тўплamда яроқсиз маҳсулот мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 5 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.
- 3.3. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.4. Ишлаб чиқаришга оид нуқсонлари аниқланганлиги муносабати билан Сотиб олувчи томонидан кафолатли муддат доирасида қайтарилган товар (маҳсулот)лар Сотувчига қайтариб берилиши лозим, бунда Сотувчи

уларнинг қийматини тўлиқ қоплаб бериши ёки Сотиб олувчи билан келишган ҳолда 5 кун ичида яроқсиз товар (маҳсулот)ларни сифатли товар (маҳсулот)ларга алмаштириб бериши керак.

#### 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олинаши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

#### 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2005 йил 5 майдаги 63-сон буйруғи билан тасдиқланган “Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида” вақтинчалик низом (1475-сон билан Адлия Вазирлигидан рўйхатидан ўтказилган)га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва “31 “декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

#### 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Қашқадарё вилоят Иқтисодий судида ҳал қилинади.

#### 8. ФОРС – МАЖОР

8.1. Айтиб бўлмайдиган, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар форс-мажор) туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даржада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

#### 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

#### «СОТУВЧИ»

“ Dizayn Kamford” MCHJ  
Манзил: Қарши шаҳри Ислоҳ каримов кўча 221  
Телефон: 93-071-00-33  
Банк: Асака банк Қарши шаҳри  
Х/р: 20208000005035942001  
МФО: 00194  
ИНН: 306233361  
ОКОНХ: 87100 ОКЭД: 46490  
НДС: 310010020212

Рахбар

С.Рахматуллаев



#### «СОТИБ ОЛУВЧИ»

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҚАРШИ Ш. МУСТАҚИЛТИК 225-УЙ  
СТИР: 200666914 ОКОНХ: 92110  
Ш.Х.Р.: 460910860/04017034100071002  
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ  
Х/Р: 23402000300100001010  
МАРКАЗИЙ БАНК ТОШКЕНТ Ш. БОШ БОШҚАРМАСИ  
0014 СТИР: 201122919

Ректор

О.Ш.Базаров





180108, Qarshi shahar, Нурбор ko'chasi, 230<sup>A</sup>-uy 7-xona. Tel.: + (99897)312 63 63

11 октябрь 2022 йил

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти  
билан "Dizaun kamford" МЧЖ ўртасидаги 2022  
йил 11 октябрь кунги №-1 сонли шартнома  
юзасидан

### ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Мен М.Холмирзаев Қарши шаҳар "Насаф хуқуқ маслаҳатчиси" адвокатлар  
хайъатида № KS000040-сонли лицензия асосида фаолият кўрсатаман.

Шартномага кўра, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти билан "Dizaun  
kamford" МЧЖ ўртасидаги 2022 йил 11 октябрь кунги №-1 сонли шартномаси билан  
танишиб қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИМ:

Ушбу шартнома бўйича "Dizaun kamford" МЧЖ Қарши муҳандислик иқтисодиёт  
институтининг буюртмасига мувофиқ юмшоқ чойшаблар, курпа, матраас ва ёстиклар  
етказиб бериши, буюртмачи тўловни амалга ошириши назарда тутилган. Шартнома  
киймати 270.997.000 сўмни ташкил қилади.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти "базарувчи"дан спецификация  
асосида етказиб берилган товар моддий кийматликларни қабул қилиб олишга ва  
тўловларни амалга оширишга келишилган бўлиб, шартнома шартлари, жумладан,  
мажбуриятларни бажариш тартиби ва муддатлари, тўлов муддатлари, жавобгарлик  
масалалари, тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, низоларни ҳал қилиш тартиби,  
қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби ва бошқа шартлар Ўзбекистон  
Республикаси Фуқоралик қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг 29 август 1998 йилдаги  
«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси  
тўғрисида»ги қонун нормалари талаблари асосида тузилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 353,357 ва 386  
моддаларига асосланиб

#### ХУЛОСА ҚИЛАМАН:

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти билан "Dizaun kamford" МЧЖ  
ўртасидаги 2022 йил 11 октябрь кунги №-1 сонли шартномаси Ўзбекистон  
Республикаси қонун талабларига мос равишда тузилган деб ҳисоблайман.

Қарши шаҳар "Насаф хуқуқ маслаҳатчиси"  
адвокатлар хайъати адвокати:-



М.Холмирзаев.